

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 81 (65957)
1996 йил, 2 ноябрь, шанба

Сотувда эркин
нархда



Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани ҳокими Раҳматилла Аҳмедович Муҳаммадхужаев бу ҳудуддаги 33 минг мактаб ўқувчидан 3 мингтаси «Тонг юлдузи»га обуна бўлади, — дедилар.

— Болаликда бўш вақтим бўлганини эслолмайман, — дейди улар. — Бадий китоб ўқишни жуда яхши кўрардик. «Ўтган кунлар» у «Меҳробдан чаён»ларни янглишмасам, 5-синфда-лигимдаёқ ўқиб тугатгандим. «Ленин учқуни», (ҳозирги «Тонг юлду-

— Бу болаларга мурабийу тарбиячилар қанчалик меҳрибон бўлишмасин, барибир уларга бир нарса — отаона оғуши етишмайди, — дейди ҳоким хомуш. — Шунинг учун ҳам уларнинг кўзларига қарашга уяламан. Юртимизда мана шундай болалар масканлари бўлмаса, дейман.

Яқинда Авиация ишлаб чиқариш корхонаси қарши-

с и д а
курганализ
к а т т а

Обуна — 97

ТУҒРИЛИККА ЙЎЛ

зи»нинг ҳар бир сонини орзиқиб кутганмиз, унда бериладиган мақолалар хусусида соатлаб баҳслашганимиз ҳам кечагидек эсимда. Бунга муаллимларимиз — ўзим ўқиган 82-мактабдаги устозларимни ҳам жалб этардик...

Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон, Чумоли снгади шерни бегумон, —деганда Мирзо Абдулқодир Бедил олий ҳиммат эгаси ҳар қандай ишни бажара олишини, ҳиммат инсонни эътиборли қилишини назарда тутгани аниқ. Яқинда ҳокимнинг ташаббуси билан 30-меҳрибонлик уйида еш темурийларнинг суннат туйи утказилди. Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун тантаналари баҳонасида наҳорга ош берилди ва туй-болалар бош оёқ сарполар кийишди.

корт—теннис майдонида бу болалар бўш вақтларини марокли ўтказишар экан, дилим бироз таскин топади.

Туманда 48 та маҳалла бўлиб, уларда ундан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишади. Булар орасида кўп болали, кам даромадли, оиласида ногиронлар булган оилалар ҳам бор. Уларга ҳокимият вакиллари уймауй юриб, бепул ун, гуруч тарқатишяпти...

Биз бундай саховатпешаликдан билдикки, ўқувчиларнинг «Тонг юлдузи»ни мунтазам ўқишлари учун ҳам болапарвар ҳоким йул топади. Тугриликка, билимдонликка ва маънавиятга йул-ку бу, ахир!

Феруза ОДИЛОВА.

СЕНГА АЙТИГИМ КЕЛДИ, ТАЗЕТАМ

Азиз «Тонг юлдузи» газетаси. Ҳали ҳарфларни танимаган пайтларимда ҳам сени ўқиб беришларини илтимос қилардим. Саҳифаларингдаги қизиқарли мақолалар, шеърлар ва эртакларга жуда қизиқардим. Ҳарфларни илғай бошлаганимданоқ сени қўлга олганман. Энг яқин ўртоғимдай бўлиб қолганинг учун ҳам ҳеч кимга айтмаган гапларимни сенга айтгим келди. Сен эса бунинг барча болаларга айтгин, хўпми?

Ҳовлимизда эрта баҳордан то кеч кузгача турли хил мевалар пишиб ётарди. Дарахтларнинг барини катта дадамлар ўтқазганлар. Улар қаерга борсалар қўлларидан албатта гул шо-

хи, бирон мева кўчати ёки уруғи билан қайтиб келардилар. Бобомизнинг бўйлари баланд, елкалари кенг, соқоллари кўксига тушган, қош-кўзлари қоп-қора, нуруний чехралли, қаттиққўл, лекин жуда меҳрибон киши эдилар.

Бобожонимнинг одатлари, эрта баҳордан дарахтларни оралаб юрганлари -юрган эди. Дори сепар, шохларини текислар, улар билан овоз чиқариб гаплашар эдилар. Ҳар доим уларга эргашиб юрганим учун мен ҳам дов-дарахтлар билан тиллашишни ўрганиб олганман. Ўсимликлар билан гаплашсангиз шунақа қувноқ бўлиб кетасизки, шеър тўқигингиз, рақсга тушгингиз, ашула айтгингиз келади.

Энажоним менга: «Яхши

иш қилсанг, албатта Худойимдан сенга яхшилик қайтади» деб тайинлардилар. Мен уларнинг сўзларини ҳеч қачон унутмайман.

Азиз «Тонг юлдузи», сени кўпроқ ўқиб, шеърларингни ёдлайман, қўшиқ қилиб айтаман. Яқинда сенга 1997 йил учун ҳам обуна бўлдим. Яхши қизча бўлиб, ҳаммани хурсанд қилиб юрсам, мен яхши кўрган инсонлар руҳи доимо хурсанд бўлади-а? Дилдаги гапларимни сенга айтиб юриш учун ҳам биринчилар қатори сенга обуна бўлдим. Янги йилда яхшиликлар, хушайфият улашувчи янгиликлар ҳақида саҳифаларингда ўқийин, деб,—

Муқаддас
ТОЖИМАМАНОВА,
Фаргона вилояти,
Учкўприк туманидаги
20-мактаб ўқувчиси.



булишди ва меҳнатларига юқори баҳо беришди.

Боғчада таълим-тарбиянинг Германия ва Исроил услуби буйича олиб борилиши муносабати билан бино янгидан таъмирланди, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Болалар бу ерда узлари севган уйинлар билан бир қаторда тарбиячилар кумагида расм чизиш, чизган суратга қараб ҳикоя айтиш, фаслларни таърифлаб бериш каби машғулотлар билан ҳам шуғулланадилар.

САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ

«Куйлагим ҳо, куйлагим,
Кийсам келар уйнагим...»

Бу қўшиқни айтиб рақсга тушаётган қизчалар Сирдарёдаги «Навруз» номли болалар боғчасининг тарбияланувчиларидир. Улар боғчада саводхонликка ургатиш буйича Республика таянч марказининг очилиш маросимига шундай концерт дастури тайёрлашган.

Барча қулайликларга эга булган бу боғча 220 нафар кичкинтойлар ихтиёрида. Уларга тажрибали мураббия Зайнаб Худоерова бошчилик қилдилар. Байрамга ташриф буюрган педагогика фанлари доктори, профессор Лола Муминова, педагогика фанлари номзоди Мукаррам Аюпова, шаҳар ҳокимининг уринбосари Ф. Қаршибоев ва бошқалар болаларнинг саводхонлик байрамига ажойиб тайёргарлик кўришганлигининг гувоҳи



Боғча Республика миқёсида болаларни саводга ургатиш буйича таянч марказига айлантилди. Ишонамизки, «Навруз» болалар боғчаси Республикамиз буйича намунали таълим масканларидан бўлиб қолади.

Маҳмуда ХАЙДАРОВА.



Дард кам — даҳмаза кам

ри, ҳеч қаерингиз оғримасаям бирор безовталик сезмасангиз ҳам ҳар йили энг камиди бир марта профилактик тиббий куриқдан утиб туриг.

Бизнинг ҳар бир кишини йлига энг камиди бир марта тиббий куриқдан утишга даъват қилаётганимиз жаҳон тиббиётининг бу соҳада эришган ютуқларининг таҳлилига ва куп йиллик илмий тадқиқотларимизнинг натижасига асосланган. Тиббиёт илми касалликни аниқлаш ва даволаш соҳасида қанчалик улкан ютуқларга эришган бўлса-да, навқирон булиб умр куришининг асосий йули бу — касал бўлмаслик, яъни организмда касаллик ривожланишининг олдини олишдир. Жуда куп касалликлар пайдо бўлишига одамнинг узи сабабчи бўлади. Ялқовлик, дангасалик, пала-партиш овқатланиш, кам ҳаракатлик, уйқу бузилиши, сигарета чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва шунга ухшаш зарарли одатларнинг барчаси инсоннинг болаликдан заиф ва нимжон бўлишига, ҳар хил касалликларга чалинишига олиб келади. Бизнинг куп йиллик шифокорлик тажрибамиз

«Тарбия — виждон иши, таълим эса фаннинг вазифаси. Инсон вояга ета боргач, билимнинг бу икки тури бир-бирини тўлдирди», деган эди аллома-лардан бири.

Бухоро вилояти, Когон шаҳар Халқ таълими бўлими ҳам бу борада бир талай ишларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, кичкинтойлар маскани булган боғчаларда таълим-тарбия ишлари тубдан янгила-наётир. Бугунги кунда шаҳар болалар боғчаларининг деярли купчилигида инглиз тили ургатилмоқда. Шунингдек, барча боғчаларимизда жажжиларга лотин алифбосини ургатиш кенг

«Тугараги мавжуд. Қолаверса, бу масканда миллий уйинчоқлар музейи ҳам бор. Ушбу боғчанинг тарбиячиси Галина Дубкова Республика боғчаларининг миллий уйинчоқлар танловида фахрли иккинчи уринни эгаллади. Яқинда Когон шаҳрида яшовчи Ақром Омонов боғчага уз жамғармасидан 5 ми-нг сум берди. Ҳозирги шароитда ҳомийларнинг боғчаларимизни қўллаб-қувватлаб туриши ҳам ишимизнинг самарадорлигини ошираётти. Жумладан, Когон шаҳар ёг-мой комбинати, ун-дон маҳсулотлари комбинати, шаҳар қурилиш-монтаж бошқармаси, «Юлдуз

Устоз минбари

тер совға қилганлиги билан бизни шодланттирди.

Бу ишончли оқлаш учун тинимсиз изланишлар олиб бормоқдамиз. Немис мутахассисларининг фикрича, 10—11 ёшдан бошлаб болаларга чет тилини ургатиш жуда кеч саналаркан. Шунинг учун боғча ёшидан бошлаб-болага бу борада бошлангич маълумот бера боришни тула қўллаб-қувватлайман. Буни ҳисобга олган ҳолда, боғчаларимизда инглиз тили, иқтисод фани билан боғлиқ қизиқарли уйинлар ташкил

ЎН БИР ЁШДА КЕЧ САНАЛАРКАН...

йулга қуйилган. Яқинда Гиждувон тумани халқ таълими бўлимидаги ҳамкасбаримиз тажриба алмашиш учун Когон шаҳридаги боғчаларда бўлишди.

Шаҳримизда «Эртак» деб номланувчи 5-болалар боғчасининг фаолиятини фахр билан тилга олсак арзийди. Санаторий типидagi 90 уринли бу боғчада, асосан, соғликлари заиф болалар тарбияланиб, даволанади. Ишларнинг тўғри ташкил қилинишида боғча мудириси Лидя Беспалько, услубшунос Зайтуна Назарова, шифокор Екатерина Навичковаларнинг ҳиссаси катта. «Эртак» болалар боғчасида кичик спорт зали, фитобар, даволаш хонаси, мусиқа зали, «Моҳир қул-

фирмаси, гипс-ганч комбинати шаҳримиз боғчаларидан уз ҳимматларини аямаяптилар.

«Соғлом авлод учун» дастури буйича барча боғчаларимизда жисмоний тарбия спорт ишлари ривожлантирилмоқда. «Соғломжон полвонжон» курик танлови мунтазам равишда утказилаёпти. Қолаверса, «Энг яхши тарбиячи», «Энг яхши болалар боғчаси» курик-танловлари ҳам утказиб турилади. Шаҳримиз боғчаларида ота-оналарнинг тулайдиган ойлик бадали 242 сум миқдориди белгиланган. Бу эса Республика буйича энг кичик курсаткичлардан биридир. Халқ таълими вазири Жура Йулдошев шаҳримиздаги 13-сон болалар боғчасига компью-

қилганмиз. Касбга қизиқиш уйғотадиган ранг-баранг уйинлар мажмуаси ҳам шулар жумласидандир. Бунда тарбияланувчилар махсус уйинчоқлардан фойдаланишади.

Когон шаҳар халқ таълими бўлими 1997 — 1998 йилларда «боғча мактаби» ташкил қилишни уз олдида мақсад қилиб қуйган. Боғча ва мактаб уртасидаги ҳамкорликни тиклашга қаратилган бу ташаббус уз самарасини беради, деб уйлайман. Яъни, бу уқув тарбия самарадорлигини оширишининг асосий омилдир.

Мисриддин МАЪМУРОВ,
Когон шаҳар халқ таълими бўлими услубхона мудириси.

КЕЛАЖАКНИ СОҒЛОМ АВЛОД ЯРАТАДИ

қочинишига йул қуймайди. Болалар, Дилшодбекнинг тушунгани қандай яхши буди-а...

Куп йиллар давомида юртимизда ҳукмрон булган мустамлакачилик сийсати туфайли сизларнинг ораларингизда ҳар хил касалликка дучор булганлар купчиликни ташкил этади. Баъзилар узининг касаллигини билади, баъзилар бундан беҳабар.


Рентген, Эндоскопик, компьютер томография ва бошқа асбоблар ёрдамида беморга озор етказмасдан қисқа вақт ичида касалликни аниқлаш имконига эга буддик. Мустақиллик туфайли мамлакатимизнинг тиббий муассасаларини техник воситалар билан таъминлаш кескин ошди. Жаҳонда биринчилардан булиб бизнинг ватанамизда гилдиракдаги амбулатория — «Амбуланс»лар воситасида болалар ва катталарни яшаш жойларида тиббий куриқдан утказиш ва даволаш йулга қуйилди. Бизнинг жонажон ватанамизда касалликларни барвақт аниқлаш, даволаш ва олдини олиш учун барча имкониятлар мавжуд. Азиз болажонлар, сизлар шу имкониятлардан тулиқ фойдаланишларингиз керак. Ҳар йили утказилаётган, давлатимиз буниг учун миллион-миллион пуллар сарфлаётган «миллий эмлаш» кунларида мактабдан «куен» булиб қолманг, чунки эмлаш туфайли жуда даҳшатли булган фалаж (полиомиелит) ва бошқа юқумли касалликлардан қутулиб қоласиз. Бундан ташқа-

қурсатдики, болаларда куп ур-райдиган ут йуллари ҳаракати бузилишининг асосий сабаби пала-партиш овқатланиш ва кам ҳаракатлик экан. Мана шу сабаблар бартараф этилиши касалликдан бутунлай фориғ булишни таъмин этаркан. Соғлом булиш орзуси ҳар бир инсоннинг энг олий орзуси, энг эзгу мақсади булмоғи лозим. Инсон онгида соғлом яшаш гуйгуси устивор булмоғи инсоннинг қон-қонига тамомила сингиб кетмоғи керак. Энг аввало, одамнинг барча ҳаракати шу орзуни амалга оширишга қаратилган булса қандай соз. Буюк ишлар доим оддий булгани каби соғлом булишнинг сири ҳам жуда оддий. Бунинг учун соғлом турмуш тарзига амал қилмоқ даркор. Соғлом турмуш тарзи — энг аввало тозаллик ва озодалик, доимо жисмоний ҳаракатда булиш, меъёрида овқатланиш, ишлаш ва дам олиш демақдир. Буларнинг барчаси ёшликдан бошланмоғи, гудакликдан одатга айланмоғи лозим.

Азиз болажонларим, саломатлик энг катта бойлик эканлигини, бойлик эса курашсиз ва меҳнатсиз пайдо булмаслигини таъкидлаб, сизларга муружаат қиламан:

Дард кўрмагин асло болажон, Соғлом ўсгин, бўл доим омон. Соғ тандаги соғлом ақлингдан Буюк бўлсин юрт — Ўзбекистон!

Қувалашиб юрган мактаб ўқувчиларини жуда кўп кўргансиз. Аммо, тўғриси айтинг, уларнинг нималарни талашаётганига ҳеч эътибор қилганмисиз? Мен эса доимо кузатишга ҳаракат қиламан. Улар ҳамма нарса-ни талашини — оддий бир ўйинчоқниям, қалам, ручка, чизғич,



ўртоқларингиз сони кўпайиб бораверади.

АЗИЗ МУАЛЛИМ!

Агар ёшларга таълим-тарбия беришда сизга кўмакчи керак бўлса, бунинг устига ўқувчиларингиз газетани таллашиб юришмасин деса-нгиз, ҳаммаларининг келгуси йил учун обуна бўлишларига кў-

СИЗ НИМАГА ТАЛАШАСИЗ?

ҳатто, ўчирғич каби ўртоқлари биринчи марта олиб келган янги хилдаги ўқув предметлариниям. Бу нарсаларни кўлдан-қўлга ўтказишади, синчиклаб кузатишади.

Суратдаги мана бу болалар ҳам худди шундай. Айниқса, «Тонг юлдузи»нинг янги сони келиши билан обуна бўлган ўртоқларини қувишгани-

қувишган: «Нималар чиқибди?», «Бир кўрайлик», «Унда ўзинг ўқиб берақол»...

Қиссадан ҳисса шулким, одобли, билимли, тиришқоқ, қизиқувчан болалар ўқийдиган ҳар қандай синфда «Тонг юлдузи»нинг шайдолари бор.

АЗИЗ ЎҚУВЧИ! Агар сиз ҳам шу болалар каби ўз газетангизни севсангиз, билимнингизга билим қўшилиб,

маклашинг.

АЗИЗ ОТА-ОНА! Агар фарзандларингиз маънавий етук бўлиб улғайишини хоҳласангиз, «Тонг юлдузи»га обуна бўлишлари учун кетадиган пулни улардан аяманг. Зеро, бугун сарфлаганингиз бу арзимас пул ақли бутун фарзандингиздан эртага бир дунё бўлиб қайтажак!

РОСТГЎЙ БОЛА.

Дўстмуратов Алланазар Мирзаевич — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг профессори, тиббиёт фанлари доктори, Нью-Йорк фанлар академиясининг аъзоси. 200 дан ортиқ илмий мақолалари матбуотда чоп этилган, тиббиёт соҳасидаги 32 ихтиронинг муаллифи, 12 нафар фан номзоиди тайёрлаган.



Республикамиздаги 9243 та умумтаълим мактабларида 5 миллион 659 минг ўғил-қиз таълим олишмоқда. 636 та мактабдан ташқари муассасаларимизда 437 минг ўқувчи ўз қизиқишлари, мойилликларига қараб ҳар хил йўналишдаги тугаракларга жалб этилган. Аммо, ҳисоблаб қаралганда болажонларимиз қарийб 12 миллиону республикада яққо-юғона болалар газетаси бўлиши «Тонг юлдузи» эса ҳатто 10000 та ҳам босилмайди. Утган йили ҳам бу йилдагидек обунани жонлантириш тугрисида жуда кўп гапирилди. Сабаби, истиқлол туфайли «Тонг юлдузи» давлат тасарруфига ўтди. Унинг ранги, беазаги, узлуксиз чоп этилиши ҳар тарафлама таъминланди. Газета ходимлари ишлашяпти, сарф-харажатлар ҳам жойида. Лекин нега республика болаларининг барчасига «Тонг юлдузи» етиб бормаяпти? Бир нўқтар бу газетга оммавий обуна қилишарди. Энди эса мажбурлашга ҳаққимиз йўқ деймиз-у, айрим туманларга умуман етиб бормаётганидан ташвишга тушамиз. Бу масалага Марат Шафие-

юлдузи»да атрофлича таҳлил қилмадик-а? Балки ана шунда газета ўқувчилари кўпаярмиди? Газетхонлар «Иқтисод алифбоси», «Иқтисод сабоқлари», «Иқтисодий билим асослари» каби янги фан дастурлари билан ҳам ўз газеталари орқали танишишлари, бу ўқув қўлланмаларига ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари мумкин эди.

Болаларимизнинг қизиқишини инобатга олиб, чуқурлаштирилган йўналиш-ли синфлар ташкил қилиш мумкин. Ана шундай ибратли синфлар ҳақида газетга мақолалар ёритиш мумкин эди.

Газетда чоп этилаётган мақолалар, ранг-баранг сурат ва хабарлар унчалик ёмон эмас. Бу ҳақда жойларда бўлганимизда баъзи бир кишилар ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб туришади. «Тонг юлдузи»ни фарзандларимиз янада севиб ўқиши учун машҳур кишилар билан учрашувларни кўпайтириши керак. Уларнинг болалик хотиралари ҳақида ёзиш шарт. Болаларбоп эртактар, қиссалар, достонлар сонма-сон бериб борилиши керак. Дунё мамлакатларидаги болалар ҳаёти

дан атрофлича ҳикоя қилиб бериши мумкин-ку?!

— «Ўзбекистон — Ватаним маним» Республика қўшиқлар курик-танловини атрофлича ёритдик-ку. Халқ таълими ходимлари, ўқувчилар, талабалар, мактабгача муассасаларда тарбияланувчилар фаол иштирок этган қўшиқлар курик-танловининг асосий совриндори болалар бўлди. Вазирлик томонидан ўқувчилар уртасида рамзлар билимдонлари курик-танлови ўтказилмоқда. Синф раҳбари, тарбиявий ишлар бўйича директор уринбосарлари, бош етакчи, болалар парки, мактабдан ташқари кутубхоналар учун низомлар қабул қилинди. Ана шу янгиликларни газета орқали айтиб берсак ҳали ҳам кеч эмас. Кексалар ва қасалманд кишиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида «Биз Сиз билан» гуруҳини туздик. Гуруҳимиз фаолияти билан мухбирларингиз қизиқса яхши буларди. Оби-ҳаёт сувини тоза сақлаш, эъзозлашни ургатиш мақсадида «Сув ва болалар» комплекс дастурини қабул қилдик. Шулар ҳақида туркум мақолалар қилиш

маркази»ни очди. Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда тажриба алмашиш ишлари ташкил этилди. Американинг АКСЭЛС жамияти билан таълим соҳасидаги ҳамкорлигимиз такомиллашиб бормоқда. Американинг турли штатларидаги таълим муассасаларида ўқувчиларимиз билим олишмоқда.

Марат Шафиев ёшларнинг энг яхши дилкаш дусту. У киши, «Тенгдошлар», «Юзма-юз», «Болакай», «Боболар ва момолар улитлари», «Одобли ва одобсиз», «Янги қўшиқ», «Нажот», «Меҳрибон», «Уят булади», «Билиб гапир» каби рухналарда мақолалар бериш кераклигини таъкидладилар. Шунда болаларнинг хат ёзиб, маънавиятлар сурашга имкон туғилади.

— Марат Шафиевич, яхши ҳам сизни обуна баҳонасида суҳбатта тортибмиз.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

вич Шафиевнинг ҳам бироз кеч бўлсада бош қўшишларини илтимос қилардик. Тугри, ота-оналар газета обунаси учун нақд пул топиб беришга қийналар, аммо мураббийлар, етакчилар бунинг чорасини топиши мумкин: Кунлик ортиқча сарф-харажатлардан уч-тўрт сумдан тежалганда ҳам ўқувчилар уч-тўртгаси бир бўлиб ҳеч бўлмаганда б ойга обуна бўлиши учун имкон туғилади. Газета ўқиётган фарзандидан ота-онанинг кўнгли тўқ бўлсин. Билимга йўналтиради газета. Ҳалол меҳнатга, катталарни иззат қилишга, кичикларга меҳрибон бўлишга ундайди у, — сиз нима дейсиз?

— Республикада «Таълим тугрисида»ги қонун қабул қилиниши билан тарихимиз, табиатимиз, ҳайвонот дунёмиз, она-тили ва адабиётимиз республикамиз ҳаётига мос ҳолатда урганила бошланди, — дедилар улар. — Ўзбекистон халқлари тарихи дарслиги тубдан янгиланди. «Одобнома», «Дин тарихи», «Хуқуқ ва экология» фанлари ўқитила бошланди. Демак, ўқувчиларимиз миллийликка, кадрларни эъзозлашга, она-юртдан фахрланишга кеча, бугун ва келажак ҳақида теранроқ фикрлашга ўтдилар. Бу борада болаларнинг ўз газетаси — «Тонг юлдузи» ҳам дастур ҳисобланади. Аммо биздан ҳам хато ўтди. Ташвиқот ва тарғибот ишларини ўз газетамиз бўлишига қарамасдан «Тонг юлдузи» орқали ҳар доим ҳам олиб боролмадик. Болаларга бола бўлиб гаплашиш, уларнинг дилига кириш «Тонг юлдузи»дан бошланишини доим ҳам англайвермадик. Умумтаълим мактаблари, хунар-таълим билим юрларида «Иқтисодий таълим асослари», «Бозор иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш» фанларидан ҳам сабоқ берилаётган бир пайтда газета ҳам «Бозор иқтисодиётини урганамиз» рукни остида туркум мақолалар ёритди. Таниқли олимлар, бозор сиёсати билимдонлари болаларга бозор тушунчасини бердилар. Биз ҳам «Менежер», «Референт», «Кичик бизнес ҳисобчиси», «Урта талбиркорлик» каби янги мутахассисликлар бўйича ўқув режа ва дастурлар, бир қатор услубий тавсияномалар, ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилган бир пайтда нега уларни «Тонг



Обуна мавсумида таҳририят ҳайъатига суяниш, уларнинг саъй-ҳаракатлари, талабчанликлари ва иқтидорларига таяниш азалий одат. Ҳайъат аъзоларининг ёши ҳам, қизиқиш-хоҳиши-ю, касб-хунарлари турличалиги ҳам қисман шунга ишора. Республика Халқ таълими вазирлигининг мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармасининг бошлиғи, икки йилдан бери газетамиз таҳрир ҳайъати аъзоси Марат Шафиевич Шафиев билан биз учун долзарб кўнларда суҳбатлашини чоғландик.

билан газетхонни ошно қилиш ҳам ижобий самара беради. «Мен билган усимликлар», «Мен билган ҳайвонлар», «Гуллар ва қўшлар» ҳақидаги рухналар ҳам диққатни тортиши шубҳасиздир.

Марат Шафиевич биз билан суҳбатда республикамизда ўтказилаётган «Навруз», «Санъат байрамлари» болалар оламини бойитишда ижобий рол ўйнаётганини айтдилар. Беш йилдан бери «Иқтидорли болалар Республика слети», «Ижодкор ўқитувчилар», «Ижодкор ўқувчилар» слетлари, Марказий Осиё республикалари ўқувчилари уртасида «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида фольклор фестивали, спорт-техника мусобақалари ўтказиш аянанага айланганини қувонч билан эслатдилар. Улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Бехбудий, Фитрат, Файзулла Хужаев, Зулфия, Ойбек каби унлаб фан ва маданият арбоблари, диний уламолар таваллудларини нишонлаш бўйича жойларда ибратли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Булар ҳам болажонларимизга катта ҳаёт мактабини утайди.

— Халқ таълими вазирлиги, Республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, «Камолот», «Болалар», «Экосан» «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётганингизни яхши биламиз, — дедик биз ҳам ўз навбатида. — Аммо ана шу алоқаларни, учрашув ва кенгашларни болаларга етказиш учун нега айнан болалар газетасидан фойдаланмайсизлар? Ахир ўзингиз муассислик қилаётган газета республика болаларига «Камолот»-у «Экосан»нинг, «Болалар»-у «Маҳалла»нинг ибратли ишлари

мумкин.

Умумтаълим муассасаларида музей дарсларини ўтказишни йўлга қўйиш керак. Бу ҳақда мураббийларимиз, айтилик, Амир Темур, Ўзбекистон халқлари тарихи, табиат, санъат, олимпиада, миллий хунармандчилик музейларида очиқ дарслар ўтсалар-у ундан сиз сеvimли суратқашими Равиль Альбеков ва газета ходимлари хабардор бўлсалар соз буларди. Бундай очиқ дарслар вилоятларда оммалашини ҳисса қўшган булардинлар.

Ўз-ўзидан маълум, ҳайъатимиз аъзоси, республика болаларининг жонқуяри Марат Шафиевнинг иқтидорли болаларга муносабати ҳақида ҳам қизиқдик.

— Ўқитувчилик касбим билан фахрланаман, — дедилар Марат Шафиевич. — Бу касбга аввало мени сеҳрлаган, устозлик қилган инсон ўз отам буладилар. У киши узоқ вақтлар мобайнида мактаб директори бўлиб ишлаганлар. Мен ҳам бош етакчи, ўқитувчи, мактаб директори, Халқ таълими бошқармасининг инспектори, малака ошириш институтининг илмий муdiri... каби лавозимларда ишладим. Ажойиб мураббийларга ҳамкасб бўлиб кўп нарсаларни ургандим. Ушбу даврларда дилда тутилган орзулар истиқлол туфайли энди амалга ошмоқда. Иқтидорли болалар эътибор туфайли ўз имкониятларини намоён этадилар. Бир неча йилдирки, иқтидорли болалар анжуманини ўтказиб келмоқдамиз. Анжуман бадийий, эстетик техника, экология, табиатшунослик, сайёҳлик ва улкашунослик каби йўналишларда олиб боришмоқда. Вазирлик истеъдодли ёшларни танлаш ва уларга таълим беришни янада такомиллаштириш мақсадида «Республика истеъдод



Тугри, икки йил давомида газетамиз ҳайъати аъзоси сифатида сиздан йўл-йўриқлар олган бўлдик. Лекин ана шундай аниқ мавзуларда гаплаша олмадик. Балки бизнинг айбимиздир. Балки...

Боланинг тили ширин дейишади. Сиз билан бола бўлиб балки ширин гаплашдик, балки... ҳар ҳолда республика болаларининг газетаси ҳатто 20 мингта ҳам чиқмаслиги нафақат бизнинг, балки сизнинг ҳам айбингиздир. Ўзингиз санаб бергандек, фалонча мактабу боғчалар, коллежгимназиялар биттадан ёзилганда ҳам салмоқли нусхани ташкил этарди. Бола бўлиб яна ўзингизга эркаланамиз. Ахир муассисимиз номидан таҳрир ҳайъати аъзолари сафида турибсиз. Сизга ҳурмат билан

ЮЛДУЗХОН.

Киши совуқ кечадиган Галлаоролнинг Авлие қишлоғи эркаклари кишни доим интиқ бўлиб кутишади. Авлиенинг ҳар бир хонадониди улоқчи отлар боқилади. Атрофларда ерга қор тушар-тушмас қўпқари мавсуми бошланади.

Ҳар бир қишлоқ аҳлининг ардоқлаган полвони булади. Бу томонларда барча қўпқари ҳақида буладиган суҳбат-у хангомаларда бир полвоннинг номи фахр билан тилга олинади. Бу — Бурибой полвон! Полвон отамиз гарчанд бу бебақо дунёдан боқий дунё сари рихлат қилганларига анча йиллар утган бўлса-да, у кишининг марддигу тангликлари, орияти, улоқдаги хангомалари ҳали ҳануз эл оғзидан тушмайди. Ҳатто қишлоқда

Чангалдаги улоқ

у кишига нисбат бериб «огни миниб улдирган» дейдилар. Мен қишлоқ кексаларидан сураб-суриштириб бу гапнинг ростлигига амин бўлдим. Маълум бўлишича, полвон 14 ёшгача ҳам от минмаган. От олиб берганларида эса, қизиқининг зурлигидан кечаю-кундуз тинимсиз миनावергач, от ҳолдан тойиб, нобуд бўлган экан.

Буриполвон ҳақидаги ҳикоялар ҳамқишлоқларининг хотирасида қўлаб сақланиб қолган. Бу ҳикояларни эшитар эканмиз, Алшомиллар эл оғзида эмас, билгакс, эл кузида туғилажаклиги ва яшаб утажаклиги ҳақида беихтиёр уйлай бошлаймиз.

Буриполвон кексаликни буйнига олиб, улоқ чоқишни бас қилганига анча бўлган эса-да, қўпқарига бориб томоша қилишни қанда қилмасди. Бир кун тепаликдаги томошабинлар орасида, узи тенги чоллар даврасида Буриполвон ҳам бўлаётган қўпқарини қизиқиш билан томоша қила бошлайди. Чоллар бўлаётган уйинни муҳокама қилиб қараб турганларида, туда ичидан улоқни Буриполвоннинг угли Қодир полвон олиб чиқади. Бурибой ота углининг от чоқиришини гурур билан кузатади, угиллари унинг майдондаги урнини тўлдирганидан қувонади. Шу пайт туйқусдан қўшни тумандан келган полвон бир шапқ билан Қодир полвондан улоқни олиб қўяди. Э-воҳ!... Ҳозиргина углининг камолотидан, унинг майдондаги ютуғидан гурурланиб утирган полвон отанинг ҳолини тасаввур қилгандирсиз. Буриполвон углини чақириб олади-ю, отта миниб, атрофдагиларнинг «полвон

Орият

бобо, куйинг», — дея ҳай-ҳайлашлари ҳам қарамасдан майдонга тушиб кетади. Буни қарангки, улоқ ҳалиям бояги Қодир полвондан устун келган чавандозда эди. Чапдаст, бақувват бу полвон ҳам унча-бунчага буй бермаётган эди. У, ногоҳ ёнида бўлган, узи ҳам доврўғини қўп эшитган Буриполвонни куради-ю бироз шошиб қолади. Аммо барибир, гайирлик қилиб қаршилик курсата бошлайди. Буриполвон эса унга эътибор ҳам бермайди. Икки кўзи улоқда. Унинг улоқни тортиб олиши учун бир зарб кифоя қилади. Энди улоқни сомонга ташлаш керак. Отахон сомонга қараб от чоқирилади.

Унинг йули очиқ. Ҳеч ким у билан ботиниб улоқ тортишишга журъат этолмайди. Полвон ота сомондан у ёққа утади, бу ёққа утади, аммо улоқни сомонга ташлай олмайди. Ҳатто баъзи томошабинлар «Буриполвон наҳотки узига ярашмаган иш — гирромлик қилиб, улоқни эгарга боғлаб олган бўлса? Ечолмай қолдимикан?» дея шубҳаланишгача боради. Бу шубҳалар пуч эди. Сомонни 7—8 маротаба қайта айланиб, узи ҳам, оти ҳам ҳолдан тойган Буриполвон ниҳоят бақовуллар олдига келиб тўхтади. Ҳамма ҳайрон...

Одамлар кекса полвонни отдан тушириб, қўлларини уқалаб-уқалаб очадилар ва титилиб кетаётган улоқни оладилар. Маълум бўлишича, полвон ота углининг мағлубиятини кўриб, беҳад орияти келган, чамаси, қандайдир руҳий куч ва жаҳл билан улоқни чангаллаган панжалари акашакдек қотиб қолган экан...

Икром ИСКАНДАР.



АЖАЛДАН ҚУТИЛМОҚЧИ БЎЛГАН НОДОН ҲИКОЯСИ

Ҳазрати Сулаймон ҳузурига бир нодон одам галати арз билан келди:

— Эй, адолатли подшоҳ ва пайгамбаримиз, — деди у. — Худои таоло сенга буюк қудрат ато этган. Мен бахтсизни бир балодан қутқаргил!

Ҳазрати Сулаймон арзгуйдан суради:

— Не арзинг ва тилагинг бор? Худо хоҳласа тилагингга етгайсан.

Арзгуй фуқаро деди:

— Эй, донишманд шоҳ, бугун қошимга Ажал фариштаси Азроил келди, у менга уқрайиб қаради, жонимни олишга келган шекилли. Азроил дастидан қутқазгил?

Сулаймон подшоҳ суради:

— Бу оғир иш-ку? Азроил дастидан ҳеч ким қутулмайди, сен қандай қутулмоқчисан?

Нодон одам тилагини айтди:

— Сен шамолга фармон қилсанг, мени бу ердан (Исроилдан) олис Ҳиндистонга қўшдек учуриб олиб кетса!

Ҳазрати Сулаймон фуқаросининг сураганини бажарди. У Шамолга буюрган эди, Шамол ҳалиги нодон одамни куз очиб юмгунча олис Ҳиндистонга олиб бориб ташлади.

Эртасига ҳазрати Сулаймон фаришта Азроилни учратиб, ундан суради:

— Аё, ҳақ таолонинг фариштаси, Сиз нега бир бахтсиз фуқарога уқрайиб қарадингиз? Бечора оиласи, бола-чақаларидан узоқда бегона жойларда саргардон бўлсин, дедингизми?

Фаришта Азроил бундай жа-

воб берди:

— Аё, Оллоҳнинг дусту, бу фуқарони ажал соатида Сизнинг юртингизда куриб, бошим қотиб турган эдим. Ҳақ таоло унинг жонини Ҳиндистонда оласан, деб амр қилган эди-да. Шу заҳоти Оллоҳ уни Сизнинг дуоингиз билан Ҳиндистонга олиб бориб ташлади. Узингиз билурсизки, каминага олис масофалар ҳеч гап эмас, энг муҳими — Худонинг амрини бажардим.



ИЗОҲ

Эй, фарзанд, бу дунёда ҳеч ким абадий яшмайди. Қул бўлса ҳам, шоҳ бўлса ҳам бир кун умри поёнига етади. Инсоният ва табиат тарихида ҳали ҳеч ким ажалдан қочиб қутулолган эмас. Одамларга ва барча мавжудотларга ҳаёт берган Оллоҳ вақти-соати етганида яна узи қайтариб олади. Шундай экан, ажал вақти етганида афсус-надомат қилмаслик учун Еру, осмонлар, бутун оламлар эгаси буюрган чиройли хулқ-оқоб билан зийнатланиб, яхши ишлар қилиб, бечора, мискин, гарибларга, ожизларга ёрдам бериб, Худо етказган ноз-неъматларга

Муҳаммад Жалолиддин РУМИЙ

шукрона айтиб, мазмунли ва гузал ҳаёт кечириб қандай яхши! Хоҳ подшо, хоким, боғбон, деҳқон ёки ҳунарманд бўлсин, яхши ниятли ва яхши иш-амаллар қилган одамларга ҳақ таоло буюк мукофотлар бериб, жаннат боғларини насиб этгай.

ЭШАК ВА ТИКОН ҲИКОЯТИ

Бир эшак туғри келган, келмаган жойга думалаб, ҳангайверганиданми думига ачиштирадиган тиконли қўпқари эшишиб қолди. Эшак оғриқ азобидан не қилишини билмай, яна думалайверди. Думалаган сари тикон баттар ичкари кириб, оғриқни зурайтирар эди.

Бу воқеани кўриб турган одам, пойлаб туриб эшакни орқасига бир тепган эди, тикон чиқиб кетди ва эшак азобдан қутулди.

ИЗОҲ

Баъзи одамлар «думига» илаштирган тиконлардан қўп йиллар азоб чекиб юрадилар. Ана шундай «тиконли» одамлар узларини ҳарёнга урсалар ҳам бефойда. Шундай вақтда бирор доно одамнинг «тепкиси» уни тиконлар азобидан қутқариши мумкин. Ҳикоятнинг яширин маъноларидан бири шу бўлса керак.

Тенгдошларинг ижоди

ЮЛДУЗЛАР

— Кундуз куну бувижон,
Нега юлдуз кўринмас.
— Куёш чиққанда болам,
Уларнинг нури ўтмас.
Кечаси ётганимда,
Бувим мени уйғотди.
— Қани, осмонга боқ, — деб
Юлдузларни кўрсатди.
Кенг самони тўлдириб,
Юлдузлар чақнаб турар.
Фақат куёш ўрнида,
Тўли ой қулиб юрар.
Узоқ-узоқ термулиб,
Юлдузларни кузатдик.
Тонг саҳарда уларни,
Уйларига узатдик.

Гулноза ЮНУСОВА,
Тошкент шаҳридаги 206-
мактаб ўқувчиси.

ЗҶР ШОИР БЎЛАР ҲАЛИ

Яқин дўстим Нурали,
Зўр шоир бўлар ҳали.
Битса шеър, ғазал, достон,
Севиб ўқир Нор, Али.
Куйлар у муҳаббатни,
Дўстлар билан суҳбатни.
Ва яна табиатни,
Лек ёқтирмас ғийбатни.
— Кўп шеърларини ўқидим,
Тинмай ёзавергин шеър.
Шояд зўр шоир бўлсанг, —
Ният қилар Фанишер.

Фанишер ДЕҲҚОНОВ,
Фарғона вилояти.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0642. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босингга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30.

• Рўйхатдан ўтин тартиби № 000137
• Манзил: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Напр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон: 33-44-25